

Ҳамён. (Болалар учун)

05:00 / 16.02.2017 3621

Қадимги замонда бир ёмон табиатли савдогар бозорда айланиб юриб ичига саккиз юз тилла танга солинган ҳамёнини йўқотиб қўйди. Ўннга, чапга зир югуриб ҳамёнини кўрган бирорта кишини учратмади. Шунда у ким унга ҳамёнини қайтариб берса унга юз тилла мукофот беришини эълон қилиш учун бозорга жарчи юборди. Йўқолган бу ҳамённи Вали исмли бир этикдўз топиб олганди. У ниҳоятда ҳалол инсон эди.

Эгаси топилгунча уни сақлаб қўйишга қарор қилди. Жарчининг гапи рост эканлигига ишонч ҳосил қилгач тўппа-тўғри савдогарнинг олдига бориб унга ҳамённи топширди. Савдогар бахил, ёлғончи, бировга яхшилиқни раво кўрмайдиган ярамас одам эди. У йўқолган бойлигининг топилганига қанчалик ҳурсанд бўлмасин, буни сиртига чиқармади. Дарҳол ҳамёнини очиб санаб кўргач, бечора этикдўзга ёлғондан тухмат қилиб унга шундай деди: шундоқ ҳам оладиган пулингни аллақачон олиб бўлибсан!

Савдогарни ушлаб олган Вали этикдўз унга шундай дебди: Оғзингизга қараб гапиринг, жаноб! Мен фақир кишиман, аммо ёлғончи, ўғри эмасман! Менга ваъда қилган пулингизни беролмасангиз бу пулларни ўғирлашда мени айбламанг.

Ифлос савдогар Вали этикдўзга тухмат қилишдан тўхтамагач иккови маҳкама(қозихона)га боришди. Икки томоннинг гапини эшитган қози савдогарнинг алдаётганлигини сизди ва уни қаттиқ жазоламоқчи бўлди. Қози ғазабини юзига чиқармай ўз қарорини эълон қилиб деди: савдогар, этикдўз унинг ҳамёнидан юз олтин тангани олганини айтаяпти, этикдўз эса ҳамёндан ҳеч нарса олмаганини айтаяпти. Мен уларнинг гапларига ишонаман, икковлари ҳам рост гапиришяпти. Шунинг учун этикдўз топиб олган бу ҳамён бошқа одамники, ҳамён то эгаси чиққунича маҳкамада туриб туради.

Бахил савдогар этикдўзга қилган зулмидан афсусланди, аммо энди кеч эди. Яхшилиқни билмайдиган бу савдогарнинг ҳоли бизга Расулulloҳ С.А.В.нинг ушбу ҳадиси шарифларини эслатади. У Зот шундай деб марҳамат қилганлар:

Кимки одамларга (қилган яхшилиги учун) миннатдорчилик билдирмаса (гўёки) Аллоҳга шукр қилмабди. (Тирмизий)